



Рўйхатга олишнинг мазмун-моҳияти, мақсади, аҳамияти ва хорижий тажриба

Бугунги тақдимотимиз аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг **аҳамияти, замонавий ёндашувлари ва халқаро тажрибаси** ҳақида бўлади. Шунингдек, **Ўзбекистонда 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш** қандай ўтказилиши ҳақида батафсил маълумот бермоқчимиз.

Рўйхатга олиш тўғрисида асосий маълумотлар

Рўйхатга олиш нима ва нимага у муҳимлиги ҳақида умумий тушунча

Рўйхатга олиш нима?

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш - бу маълум бир вақтда муайян ҳудудда яшовчи барча шахслар ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳақида кенг қамровли, аниқ ва ишончли маълумотларни йиғиш, қайд этиш ва таҳлил қилиш жараёнидир.

Аҳолини рўйхатга олиш:

Аҳолини рўйхатга олишда ҳар бир фуқаро ҳақида маълумотлар тўпланади: ёш, жинс, миллат, оилавий аҳвол, таълим даражаси, бандлик, яшаш жойи ва бошқалар. Бу маълумотлар аҳоли сони, таркиби ва эҳтиёжларини аниқлашда хизмат қилади.



Японияда аҳолини рўйхатга олиш 5 йилда бир марта ўтказилади. Унда ҳар бир киши электрон идентификация орқали ҳисобга олинади, натижалар давлат режалаштирувида фойдаланилади.



Германияда аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари шаҳарсозлик, таълим муассасаларини жойлаштириш, пенсия тизимини режалаштириш учун қўлланилади.

Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш:

Бу рўйхатга олиш тури қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ маълумотларни қамраб олади: ер майдони, экин турлари, ҳайвонлар сони, техника, сув ресурслари, меҳнат кучи ва бошқалар. Бу маълумотлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва фермерларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш учун зарур.




Ҳиндистонда 2021 йилда ўтказилган қишлоқ хўжалиги рўйхати **150** миллион фермер хўжаликларини қамраб олди. Бу маълумотлар асосида давлат субсидиялари тақсимланди.



Бразилияда қишлоқ хўжалиги рўйхати орқали Амазонка ҳудудида ердан қандай фойдаланилаётгани ўрганилди, бу экологик сиёсатни шакллантиришга ёрдам берди.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш – 2026

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсиясига кўра, аҳоли рўйхатга олиш ҳар **10 йилда** бир марта ўтказилади. Бу вақт мобайнида мамлакатда демографик ва ижтимоий кўрсаткичларда катта ўзгаришлар юз беради. Аҳоли рўйхатга олиш ана шу ўзгаришларни баҳолаш ва жорий ҳолатни аниқ кўрсатиш имконини беради. Бу эса давлатнинг **иқтисодий** ва **ижтимоий** ривожланиш режаларини тузишда жуда муҳим.



Ўзбекистон Республикасида **2026** йилда ўтказиладиган **аҳоли ва қишлоқ** хўжалигини рўйхатга олиш мустақилликдан кейин **биринчи** марта ўтказилмоқда.

Аҳоли рўйхатга олишнинг асосий вазифалари:

- ✓ Мамлакатдаги аҳоли сонини аниқлаш.
- ✓ Демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш.

Рўйхатга олишни сифатли ўтказиш, ходимларнинг тайёргарлигига боғлиқ.
Шунинг учун рўйхатчи ва уларнинг раҳбарлари махсус **ўқув курсидан** ўтадилар.

Рўйхатга олшишдан олинган маълумотлар:

- ✓ меҳнат ресурсларини баҳолаш
- ✓ аҳоли таркиби ва ижтимоий ҳолатини ўрганиш
- ✓ турли аҳоли гуруҳлари (аёллар, болалар, ёшлар, пенсионерлар ва бошқалар) учун давлат дастурларини ишлаб чиқишда асос бўлади

Рўйхатга олишнинг аҳамияти нимада?

Рўйхатга олишнинг аҳамияти шундаки - бу жамиятнинг реал аҳволини аниқловчи стратегик восита бўлиб, давлат бошқарувида, ресурслар тақсимоти ва ривожланиш мақсадларини белгилашда муҳим ўрин тутати.

Давлат режалаштируви:

Аҳоли ва қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги ишончли маълумотлар орқали мактаб, шифохона, инфратузилма қурилиши самарали ташкил этилади.

Мисол:  **Канадада** аҳоли эҳтиёжларига қараб давлат хизматларини жойлаштириб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш:

Ер, сув, экинлар ва фермер хўжаликлари ҳолати ўрганилади.

Мисол:  **Ҳиндистонда** 150 млн фермер маълумотлари асосида субсидиялар тақсимланган.

Ижтимоий сиёсат:

Аҳолининг камбағаллик, ишсизлик даражаси ва ёш таркибини аниқлаш орқали самарали дастурлар ишлаб чиқилади.

Мисол:  **Японияда** кексалар сонининг ортиши пенсия тизимини ислоҳ қилишга олиб келган.

Инқирозларга тайёргарлик:

Табиий офатлар пайтида ёрдамга муҳтож аҳолини тез аниқлаш имкони.

Мисол:  **Гаутида** zilзиладан сўнг аҳолига ёрдам кўрсатиш рўйхатга олиш маълумотларига асосланиб берилган.

SDG (Sustainable Development Goal - Барқарор Ривожланиш Мақсадлари) мақсадларини баҳолаш:



SDG - БМТ томонидан 2015 йилда қабул қилинган **2030 йилгача мўлжалланган 17 та глобал мақсадлар тўплами** бўлиб, улар бутун инсониятнинг фаровонлиги ва сайёрамиз келажагини таъминлашга қаратилган.

2030 ривожланиш мақсадлари мониторинги учун асос:



Руанда ҳар туман учун **SDG Dashboard** яратилган.

АҲОЛИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТЎЛИҚ РЎЙХАТГА ОЛИНМАСЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗ УЧУН НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Муаммо: **Агар баъзи одамлар ёки фермер хўжаликлари рўйхатга киритилмаса...**

Аҳоли рўйхатидан четда қолса:



Уларнинг эҳтиёжлари (мактаб, шифохона, газ, йўл) инobatга олинмайди



Камбағаллик, ишсизлик ҳақиқий кўринишда акс этмайди



Давлат ёрдамига муҳтожлар эътиборсиз қолади

Қишлоқ хўжалиги тўлиқ рўйхатга олинмаса:



Ерлар, экинлар ва чорва сони тўғри ҳисобланмайди



Субсидия, кредит ва ёрдамлар нотекис тақсимланади



Озиқ-овқат сиёсатида хато қарорлар қабул қилинади

Ҳар бир инсон
ҳар бир хўжалик рўйхатга олиниши шарт!



Шундагина адолатли сиёсат, тўғри режалаштириш ва барқарор ривожланиш таъминланади.

2026 йилги рўйхатга олиш расман қачон бошланади?

2026 йилги рўйхатга олиш **15 январдан** бошланади ва шу кундан саволларга жавоб бериш мумкин бўлади.

1

15-31 январь кунлари
Интернет орқали
рўйхатдан ўтилади



2

1 февраль - 3 февраль
Интернет орқали рўйхатдан
ўтган респондентлар ҳамда
уларнинг яшаш манзиллари
умумийдан ажратилади.



3

4 февраль - 28 февраль
Уйма-уй юрган ҳолда
планшетларда рўйхатга
олиш ўтказилади
(Маҳалла еттилиги)



2026 йилги рўйхатга олиш саволларига қандай жавоб беришим мумкин?

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШНИНГ 3 ТА УСУЛИ МАВЖУД:

1. Интернет орқали ўзини ўзи рўйхатдан ўтказиш:

15 январь – 31 январь, 2026 йил

- ✓ Респондентлар томонидан махсус электрон платформа орқали саволномалар тўлдирилади
- ✓ Респондентлар ўз уйида, ишхонасида ёки ўзига қулай жой ва вақтда компьютер, планшет ёки смартфон орқали жавоб бериши мумкин
- ✓ Онлайн жавоб берган фуқароларга қайта мурожаат қилинмайди

2. Планшетлар орқали уйма-уй юриб рўйхатга олиш:

4 февраль – 28 февраль, 2026 йил

- ✓ Маҳалла еттилиги ёки махсус рўйхатчилар планшетлар билан ҳар бир хонадонга ташриф буюради
- ✓ Маълумотлар электрон равишда киритилади
- ✓ Респондент оғзаки жавоб беради

3. Стационар рўйхатга олиш пунктларида жавоб бериш:

15 январь – 28 февраль, 2026 йил

- ✓ Маҳалла фуқаролар йиғини биносида махсус рўйхатга оловчи ходимлар фаолият юритади
- ✓ Респондентлар ўзлари келиб, саволнома саволларига жавоб бериши мумкин
- ✓ Ушбу имконият фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган

ЭСЛАТМА:



Аҳолидан йиғилган шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги тўлиқ таъминланади

Жавоблар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий режалаштириш ишлари учун асос бўлади

Фақат аниқ, холис ва ишончли маълумот бериш тавсия этилади

Рўйхатга оловчи ходимлар томонидан:

Фақат саволномада белгиланган саволлар сўралади.

Ҳужжат талаб қилинмайди.

Ортиқча савол бериш мумкин эмас.

Рўйхатга олиш қайси тилларда ўтказилади?

**Ўзбекистон Республикасида 2026 йилги аҳоли ва қишлоқ хўжалигини
рўйхатга олиш учта тилда амалга оширилади:**

Ўзбек тилида:	Рус тилида:	Қорақалпоқ тилида:	Ингилиз тилида:
Давлат тили сифатида барча ҳудудларда асосий иш тили	Рус тилида сўзлашувчи аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида	Қорақалпоқ тилида сўзлашувчи аҳоли учун	Чет элдан келган меҳмонлар учун

Давлат тилини билмайдиган респондентлар
она тилида ёки эркин равишда танланган мулоқот
тилида сўровдан ўтказилиши мумкин.

Нимага бу муҳим?

Барча фуқаролар ўзлари тушунадиган ва
эркин мулоқотда бўладиган тилда жавоб
бериш имконига эга бўлади

Бу маълумотлар сифатини оширади ва
ишончли натижаларни таъминлайди

Агар респондент гаплашадиган тилни
билмаса, рўйхатга олувчи (рўйхатга олиш
участкаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари билан
келишилган ҳолда) респондент гаплашадиган
чет тилини биладиган шахсларни (талабалар
ёки бошқа чет тилини биладиган шахслар) жалб
этиши мумкин.

Рўйхатга олиш жараёнида тил тўсиқлари
бўлмайди - ҳар ким ўз она тилида ёки яхши
тушунадиган тилда жавоб бериш имконига эга
бўлади!

Рўйхатга олиш қандай амалга оширилиши ва унинг жараёнлари ҳақида

Кимлар рўйхатдан ўтади?

Респондентлар – Ўзбекистон Республикасида **доимий** ёки **вақтинчалик** яшовчи фуқаролар, **хорижий** фуқаролар ва **фуқаролиги йўқ** шахслар. Шунингдек Ўзбекистон фуқаролари хорижда **вақтинча** бўлса ҳам рўйхатдан ўтади.

Доимий яшовчилар:

Ўзбекистонда 1 йил ёки undan кўпроқ вақт яшаб келаётганлар.

Хорижга вақтинча (1 йилгача) хизмат сафарига, ишга, ўқишга, дам олишга ёки даволанишга кетганлар

Хорижликлар Ўзбекистонга ишлашга, ўқишга ёки бошқа мақсадда 1 йил ёки undan кўпроқ муддатга келганлар.

1 йилдан кам яшаган, лекин Ўзбекистонда 1 йил ва undan ортиқ яшашни режалаштираётганлар ҳам доимий деб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтмайдиганлар:

Ўзбекистондан хорижга 1 йил ва undan кўпроқ муддатга кетганлар.

Вақтинчалик яшовчилар:

Ўзбекистонга 1 йилдан кам муддатга келганлар (иш, ўқиш, дам олиш, меҳмон бўлиб, даволаниш ва ҳ.к.).

Доимий яшаш жойи ва уй хўжалиги

Доимий яшаш жойи – инсон асосан вақт ўтказадиган жой. У доимий рўйхатга олинган жойи билан мос келиши шарт эмас

- ✓ Агар икки жойда яшаса, кўп вақт ўтадиган жой доимий деб ҳисобланади.
- ✓ Агар фарзанд икки ота-онада навбат билан яшаса, рўйхат куни қаерда бўлса, шу жойда ҳисобга олинади.

Уй хўжалиги – бирга яшаб, умумий хўжалик юритадиган одамлар гуруҳи ёки якка шахс.

- ✓ Уй хўжалигига қариндошлар билан бирга қариндош бўлмаган, бирга яшаб маблағ қўшадиган одамлар ҳам киради.
- ✓ Бир уй хўжалигида бир нечта оила яшаши мумкин.
- ✓ Бир уй хўжалигига кирмайдиганлар: уйни ижарага олганлар, меҳмонхонада доимий яшовчилар, алоҳида овқатланувчи ётоқхонадагилар ва ҳ.к.

Агар респондент уй хўжалиги таркибини аниқлай олмаса, ходим тушунтириши керак: уй хўжалиги – бу бирга овқатланадиган одамлар.

Агар хонадон аъзоси йўқ бўлса ёки ёш бўлса – унинг маълумотини катта ёшли оила аъзоси беради.

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий жиҳатлари

Доимий яшаш жойи ва уй хўжалиги

Уй хўжалиги таркибига кириб рўйхатдан ўтадиганлар

- Янги туғилган болалар (туғриқхона).
- Мактаб-интернатда ёки санаторийда бўлган болалар.
- Ҳар куни уйига қайтиб келадиган талабалар.
- Кема экипажи ва вахта усулида ишлайдиганлар.
- Бир йилгача муддатга қамоқда ёки маъмурий жазо (15 кунгача) ўтаётганлар.

Уй хўжалиги таркибига кирмайдиган шахслар

- Хориждаги Ўзбекистон элчихоналари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари.
- Қуролли кучлар хизматчилари ва уларнинг оилалари, ёпиқ ҳарбий ҳудудда яшовчилар.
- Суворов ва кадет ўқувчилари, курсантлар.
- Диний муассасаларда яшовчилар.
- Етим болалар интернатларда.
- Қамоқхона ва меҳнат-даволаш муассасаларида бўлганлар.
- Ижтимоий хизмат уйларида ва шифохоналарда доимий яшовчилар.
- Алоҳида яшайдиган (ётоқхонада ёки ижара уйда) кундузги талабалар.

АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР:

Рўхатдан умумийлик ва бир вақтда ўтказиш (Ҳар бир одам жинси, ёши ва пропискасига қарамай ҳисобга олиниши керак):

- ✓ мамлакат ҳудудида доимий ёки вақтинчалик яшовчи барча шахслар
- ✓ шунингдек, доимий яшовчи, лекин рўйхат вақтида хорижда бўлган шахслар ҳам ўтади

Маълумотларни махфий сақлаш-респондентлар ҳақида йиғилган маълумотлар ҳеч қаерга ошкор этилмайди, фақат статистик мақсадда ишлатилади:


- ✓ Рўйхатга олувчилар махфийлик ҳақида ёзма келишув имзолайди
- ✓ Қоидаларни бузиш қонунчиликка қўра жавобгарликка олиб келади

Бир хил дастур ва усуллар – бутун мамлакат бўйича бир хил саволномалар, бир хил шакллар қўлланилади. Ҳар бир фуқаро учун тенг имконият яратилади.

Рўйхатга олиш санаси нима дегани?

Эътибор беринг?

Рўйхатга олиш **2026 йилнинг 15 январидан ноябридан 28 февралигача** қадар ўтказилади ва рўйхатга олиш бошланишининг аниқ пайти **2026 йил 15 январь соат 00.00** этиб белгиланади **бу рўйхатга олиш санаси дейилади!**



Бунда:

- ✓ 15 январдан олдин туғилган чақалоқ **Рўйхатга олинади**
- ✓ 15 январда ва ундан кейин туғилган чақалоқ **Рўйхатга олинмайди** (чунки у рўйхатга олиш санасидан кейин туғилган бўлади)
- ✓ **Аммо** 15 январдан кейин вафот этган шахслар **Рўйхатга олинади** (сабаби улар рўйхатга олиш санасигача тирик бўлади)
- ✓ 15 январдан кейин хўжаликга/да келтирилган янги чорва моллари ва туғилган чорва моллари **Рўйхатга олинмайди**
- ✓ **Аммо** 15 январдан кейин nobud бўлган, сўйилган ёки сотилган ва бошқа сабабларга кўра хўжалик ҳисобидан чиқиб кетган чорва моллари **Рўйхатга олинади**

Туғруқхонадаги чақалоқлар қаерда ҳисобга олинади?

- Улар ота ёки онасининг яшаш жойи бўйича рўйхатга олинади (албатта фақат 15 январгача туғилган чақалоқлар)
- саволнома шаклларида болалар ҳақида алоҳида саволлар мвжуд

🌐 Халқаро тажриба:

Мамлакат	Амалиёт
Беларусь	рўйхатга олиш санасидан кейин туғилганлар рўйхатга олинмайди лекин вафот этганлар рўйхатга олинади
Россия	рўйхатга олиш санасидан кейин туғилганлар рўйхатга олинмайди лекин вафот этганлар рўйхатга олинади
Ўзбекистон	рўйхатга олиш санасидан кейин туғилганлар рўйхатга олинмайди лекин вафот этганлар рўйхатга олинади

Болаларни ҳисобга олиш - бу уларнинг келажаги учун хизмат қилади. Ҳар бир бола муҳим ва уларнинг рўйхатга олиниши давлат эътиборида бўлади.

Гуруҳли яшаш жойлари нима?

Рўйхатга олишда “гуруҳли яшаш жойлари” - бу бир нечта одамлар бирга яшайдиган, бир оилага тегишли бўлмаган, махсус мақсадларга мўлжалланган жойлардир.

Мисоллар:

Турлари	Изоҳ
 Талабалар тураргоҳлари	Бир нечта талабалар яшайдиган бинолар
 Қариялар уйи	Ёши катта инсонлар учун доимий муассаса
 Шифохоналар, диспансерлар	Узоқ муддат ётқизилган беморлар учун
 Ички ишлар муассасалари	Масалан, жазони ижро этиш жойлари
 Қуролли кучлар казармалари	Ҳарбийлар вақтинча/доимий яшайдиган жойлар
 Пансионат, интернатлар	Болалар, ногиронлар ёки бошқа гуруҳлар учун

Рўйхатга олишда қандай аҳамиятга эга?

- ✓ Гуруҳли яшаш жойлари алоҳида тартибда ҳисобга олинади
- ✓ Бу жойларда яшовчиларнинг сони, ёши, жинси, ижтимоий ҳолати умумий статистик таҳлил учун муҳим
- ✓ Давлат томонидан хизматлар (тил, таълим, тиббиёт) режалаштирилишида фойда беради

ХУЛОСА:

Гуруҳли яшаш жойлари - бу оддий оилавий хонадонлар эмас. Уларда махсус мақсадда бирга яшайдиган фуқаролар рўйхатга алоҳида тартибда олинади. Бу маълумотлар ижтимоий сиёсат учун жуда муҳим.

Талабалар қаерда ҳисобга олинади - уйдаими ёки ўқув муассасасидами?

Рўйхатга олишда талабалар улар доимий яшайдиган жойида ҳисобга олинади.

Агар:

Талаба таътил пайтида уйида бўлса.

- ✓ Оила аъзолари билан бирга яшайдиган доимий манзилида рўйхатга олинади.

Агар у доимий равишда талабалар тураргоҳида яшаса

- ✓ У ҳолда гуруҳли яшаш жойи (тураргоҳ) сифатида ўша ерда ҳисобга олинади.

Махсус ҳолатлар:

Кундузги бўлимда ўқийди, лекин бошқа шаҳарда яшайди.

- ✓ Қайси жойда 6 ойдан кўпроқ яшаса, ўша ерда ҳисобга олинади.

Сиртқи бўлим талабаси уйда яшайди

- ✓ Уйида рўйхатга олинади.

🌐 Халқаро амалиётда ҳам шундай:

Мамлакат	Ҳисобга олиш жойи
Германия	Талаба доимий яшайдиган манзилида
АҚШ	6 ой ва ундан кўп бўлган яшаш жойи бўйича
Ўзбекистон	Амалда яшайдиган жойида рўйхатга олинади

Талабалар

- Агар талабалар учун стационар участкага бориш қулай бўлса – шу ерда маълумот топшириши мумкин.

ХУЛОСА:

Талабалар қаерда доимий ёки узоқ муддат яшаса, ўша ерда рўйхатга олинади. Бу аниқ ва холис статистика учун жуда муҳим.

Қамоқдаги сақланаётган махбусларлар қандай рўйхатга олинади?

Рўйхатга олишда қамоқда ёки жазо ўтаётган шахслар гуруҳли яшаш жойларида яшовчилар сифатида ҳисобга олинади.

Улар қай йўсинда рўйхатга олинади?

- Жазо ўташ муассасалари – махсус гуруҳли яшаш жойи сифатида белгиланади.
- Маълумотлар ички ишлар ва жазони ижро этиш муассасалари билан ҳамкорликда йиғилади.
- Уй манзили эмас, муассасанинг манзили бўйича ҳисобга олинади
- Рўйхатга олувчилар жазони ижро этиш муассаса маъмурияти томонидан белгиланади.

Қандай маълумотлар тўпланади?

- Ёши, жинси, миллати, таълими
- Ҳозирда қаерда жазо ўтаётгани
- Аниқ манзили эмас, **муассасанинг манзили** ҳисобга олинади

🌐 Халқаро амалиётда ҳам шундай:

Мамлакат	Қамоқдагилар рўйхатда
Канада	Жазони ижро этиш муассасаларида рўйхатга олинади
Франция	Тўғридан тўғри муассаса орқали ҳисобга олинади
Ўзбекистон	ИИБ билан ҳамкорликда, махфийликка амал қилган ҳолда ҳисобга олинади

ХУЛОСА:

Қамоқда сақланаётган махбусларлар ҳам аҳоли таркибининг ажралмас қисми ҳисобланади ва жазони ижро этиш муассасасида яшовчилар сифатида рўйхатга олинади. Уларнинг маълумотлари умумий статистикада муҳим аҳамият касб этади ва махфий ва ҳимояланган ҳолда сақланади.

Агар мен Ўзбекистон фуқароси бўлмасам, 2026 йилги аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш саволларига жавоб беришим керакми?

**Ҳа,
керак!**

Рўйхатга олиш фақат Ўзбекистон фуқароларини эмас, балки Ўзбекистонда яшовчи барча шахсларни қамраб олади.

Қамраб олинадиган шахслар кимлар?

- ✓ **Ўзбекистон фуқаролари** (вақтинча хорижий давлат ҳудудида бўлганлар ҳам)
- ✓ **Чет эл фуқаролари** (доимий ёки вақтинча яшовчи ёхуд вақтинча Ўзбекистон Республикасида бўлиб турганлар)
- ✓ **Фуқаролиги бўлмаган шахслар**
- Агар сиз 2026 йилги рўйхатга олиш санаси (15 январь) ҳолатига кўра Ўзбекистон ҳудудида яшаб турган бўлсангиз, сиз ҳам ҳисобга олинасиз.

🌐 Халқаро тажриба:

Мамлакат	Амалиёт
Германия	Ҳудудда яшовчи барча шахслар, фуқаролигига қарамасдан
Қозоғистон	Доимий ва вақтинча яшовчилар, чет эл фуқаролари ҳам
Ўзбекистон	Доимий ва вақтинча яшовчилар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаганлар, ҳам

ХУЛОСА:

Рўйхатга олиш **барча аҳолини** қамраб олади, фақат фуқаролик эмас, ҳақиқий яшаш ҳолати муҳим. Шу сабабли, агар сиз **Ўзбекистонда яшаб** келаётган бўлсангиз саволларга **жавоб беришингиз шарт.**

Бошпанасиз одамларни ҳисоблаш зарурми?

Ҳа, бошпанасиз шахслар ҳам аҳолининг ажралмас қисми ҳисобланади ва албатта рўйхатга олиниши керак.

Нега уларни ҳисобга олиш муҳим?

- ✓ Ижтимоий ёрдам ва уй-жой дастурларини шакллантириш учун
- ✓ Қашшоқлик ва ижтимоий тенгсизлик даражасини аниқлаш учун
- ✓ Соғлиқни сақлаш, ҳужжатлаш ва реабилитация хизматларини тўғри йўналтириш учун

Улар қаерда ва қандай тартибда ҳисобга олинади?

- Кундуз кунни ёки тунда бошпанасиз ҳолда турган жойида темир йўл вокзаллари, парклар, кўп қаватли уй ертўлалари, пиёдалар юриш йўлаклари ва тунги саргардонлик нуқталари ҳ.к.
- Муассасалар орқали реабилитация марказлари, ижтимоий хизмат муассасаларида, меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпингларда яшовчилар ҳам ҳисобга олинади
- Рўйхатга олувчилар махсус график асосида ички ишлар ходимлари ҳамроҳлигида ишлайди. Хавфсизлик ва ишонч таъминланади

🌐 Халқаро тажриба:

Мамлакат	Бошпанасизлар ҳисобга олинадими?
АҚШ	Махсус “Enumeration Night” (рўйхатга олиш кечаси) ташкил этилади
Австралия	Ҳар бир шаҳарда кўчада яшовчилар алоҳида ҳисобланади
Ўзбекистон	Бошпанасизлар тўлиқ қамраб олиниши белгиланган

ХУЛОСА:

Бошпанасиз одамлар ҳам жамиятнинг бир қисми. Уларни рўйхатга олиш — адолатли ва инсоний сиёсат учун зарур қадам. Ҳар бир одам ҳисобда бўлиши керак!

Рўйхатга тушмай қолиши мумкин бўлган аҳоли кимлар?

Бу рўйхатга олиш жараёнида турли сабабларга кўра эътибордан четда қолиши мумкин бўлган шахслардир.

Қуйидаги тоифалардаги одамлар хавф гуруҳида:

№	Тоифа	Сабаби
1	Вақтинча ёки ноқонуний яшовчилар	Рўйхатчилардан яширишга уриниши мумкин
2	Бошпанасиз шахслар	Доимий манзили йўқ, кўчада яшайди
3	Қисқа муддатли ижарачилар	Уй эгаси улар ҳақида маълумот бермаслиги мумкин
4	Қурилишда/қишлоқда вақтинча ишловчилар	Турғун рўйхатга олишдан четда қолади
5	Қариялар/ногиронлар	Ёлғиз яшайди, унутилган ҳолда қолиши мумкин
6	Меҳмонхона ёки гуруҳли яшовчилар	Рўйхатчи кирмаган бўлиши мумкин

Нима қилиш керак?

- ✓ Маҳаллий ҳокимият органлари ва рўйхатга олишни ўтказиш бўйича республика, вилоят ва туман (шаҳар) комиссиялари ҳамкорликда рўйхатга олувчилар фаолиятини қаттиқ назорат қилиш
- ✓ Маҳалла фаоллари, нуронийлар ва ёшлар орқали рўйхатга олишни оммавий тадбирга айлантириш йўлида **ҳар бир инсонни ҳисобга олишга ёрдам бериши** керак
- ✓ Тарғибот ишлари орқали аҳолининг рўйхатда қатнашишига ишонч уйғотиш

🌐 Халқаро тажриба:

Мамлакат	Чоралар
АҚШ	“Hard-to-count groups” рўйхати тайёрланади ва алоҳида ёндашув бўлади
Буюк Британия	Камроқ қамраб олинadиган тоифалар учун махсус мобил гуруҳлар юборилади
Ўзбекистон	Ҳар бир шахсни ҳисобга олиш — рўйхатга олувчиларнинг асосий вазифаси!

ХУЛОСА:

Ҳар бир шахс аҳолининг бир қисми. Мамлакат келажаги учун барча фуқаролар, айниқса ноаниқ ҳолда яшовчилар ҳам тўлиқ ҳисобга олиниши керак.

Агар сўровномани тўлдиришда қийинчиликларга дуч келсангиз, нима қилиш керак?

Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ! Рўйхатга олиш жараёнида сизга ёрдам бериш учун махсус чоралар кўрилган.

Қийинчиликлар қандай бўлиши мумкин?

- ❖ Саволларни тушунмаслик
- ❖ Технология (онлайн) билан боғлиқ муаммолар
- ❖ Ёш ёки саломатлик сабабли ёрдамга муҳтожлик

Нима қилиш керак? Ўзингизга қулай усулни танланг!

- ✓ **1-усулда - онлайн платформада техник ёрдам хизмати мавжуд**
 - ◆ Телефон рақами, видеодарслик, чат ёки савол-жавоб қисми орқали қўллаб-қувватланасиз
- ✓ **2- усулда - рўйхатга олувчининг ўзи хонадонингизга боради**
 - ◆ У саволларни тушунтириб беради
 - ◆ Сиз берган маълумотларни аниқ ва махфий тарзда планшетга ёзиб олади
- ✓ **3-усулда - стационар рўйхатга олиш пунктига боринг**
 - ◆ У ерда тажрибали ходим сиз берган маълумотларни аниқ ва махфий тарзда планшетга ёзиб олади

🌐 Халқаро амалиёт:

Мамлакат	Қийинчиликка учраганлар учун ёрдам
Британия	Телефон орқали ёрдам, турли тилдаги кўмак гуруҳлари
Канада	Махсус гуруҳлар кексалар ва ногиронларга ёрдам беради
Ўзбекистон	Видеодарслик, мобил гуруҳ, рўйхатга олувчилар (маҳалла еттилиги) уйма уй юради ва стационар участкаларда ёрдам беради

ХУЛОСА:

Сўровномани тўлдиришда Сиз ёлғиз эмассиз! Ҳар бир фуқаро рўйхатга тўғри ва тўлиқ киритилиши учун зарур ёрдам таъминланади.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН
РАХМАТ**